

Мусулмон киши ўзига муносиб маросимларга боради



14:25 / 17 февраль 2683

????????? ?????? ?????????? t ?????????? ??????

????????????? ?????????????? ?????????????? ?????????? ???????

?????????: ?????? ?????????????? ?????????????? ?????????? ??????????

?????? ?????????????? ?????????????????? ?????????????? ??????????????

????????????????? ?????????????? ?????????????????? ?????????????? ??????????

????????????????????? ?????????????????? ?????????????????? ?????????????????????? ???????

????????? ?????? ??? ?????????????????? ?????????????????????? ??????????????????????

????????? ??????????: ?????????? ?????????? ???

????????????? ?????????????? ??????????: ??? ??????????

????? ??? ?????????? ??????????: ?????????? ?????????? ???

????? ?????????????? ?????? ?????????????? ?????????? ??????????????..

????????????? ?????? ??????????. ?????????? ??????????

?????????????..

«Бир киши Али ибн Абу Толиб учун зиёфат қилиб, унга таом пиширди. Шунда Фотима розияллоҳу анҳо:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни чақирганимизда, биз билан бирга еган бўлар эдилар», деди.

Сўнг у зотни чақирдилар. Бас, у зот келиб, икки қўлларини эшикнинг икки кесакисига қўйиб турдилар-да, уйнинг бир томонига осиб қўйилган (рангдор ҳарир) пардани кўриб, орқаларига қайтиб кетдилар.

Шунда Фотима розияллоҳу анҳо:

«Орқаларидан бориб, қарангчи, у зотни нима қайтарди экан?!» деди.

Мен ортларидан бориб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизни нима қайтарди?» дедим.

«Менга (ёки Набийга) зийнатланган уйга кириш тўғри келмайди», дедилар у зот».

Икковини Абу Довуд ривоят қилган. Аллоҳ олий ва билгувчироқдир.

Шарҳ: Биз парда деб таржима қилган сўз арабчада «қиром» дейилади. Қиром – рангдор, гуллик, ҳарир матонинг номи экан.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам валиймага чақирилган эдилар, аммо у зот у ерда ўз мақомларига мос келмайдиган нарса борлиги учун кирмай, қайтиб кетдилар.

Шунинг учун ҳам мусулмон киши ўз динида гуноҳ саналадиган нарсалар бор бўлган маросимларга бормагани маъқул. Борганда киришидан олдин ношаръий ишни кўриб қолса, кирмаслиги керак. Киргандан кейин ношаръий ишни кўриб қолса, чиқиб кетиши лозим. Мусулмон киши ўзига муносиб маросимларга боради. Бошқасига бормади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди